



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SO'GLIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
TO'HKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI

АБДУРАХИМОВА Л.А, ГАДАЕВ А.Г.



ТИББИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА «ICIV - RANGE»  
ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ  
(Услубий тавсиянома)

Тошкент-2021


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Илим ва таълим

бошқармаси бошлиғи

т.ф.и.с. профессор



Исмаилов У.С.

2021 й.

АБДУРАХИМОВА Л.А, ГАДАЕВ А.Г.

ТИББИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА «ICIV - RANGE»  
ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚўЛЛАШ

(Услубий тавсиянома)

«Тасдиқланди»

Ўзбекистон Республикаси  
Сог'лиқни сақлаш вазирлиги  
Илим ва таълим бошқармаси  
мудирлигининг Бошқармаси

С.С. 05 2021  
№ RA-П 388

Тошкент-2021

### **Аннотация**

Ушбу услубий тавсиянома тиббий таълим жараёнида педагогик технологияларни қўллашда ўзига хос томонлари бўйича маълумотлар ёритилган. Клиник фанларни ўқитишда педагогик маҳорат ҳамда талабаларнинг фанга бўлган қизиқишларини инобатга олган ҳолда интерфаол усулларни қўллашда кузатилган ижобий натижалар таҳлил қилинган. Тавсия қилинаётган интерфаол усулда информацион, инновацион, коммуникатив ва верификацион ёндошувлар асосида талабаларни назарий, амалий билимларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда илмий изланувчанликка йўналтириш бўйича тавсиялар берилган.

Услубий тавсиянома тиббий олий таълим муассасалари пофессор-ўқитувчилари педагогик амалий фаолиятида қўллаши учун мўлжалланган.

IN THE PROCESS OF MEDICAL EDUCATION "ICIV - RANGE" APPLICATION OF  
PEDAGOGICAL TECHNOLOGY  
/ L.A.ABDURAHIMOVA, A.G.GADAEV - 2021, 26 pages.

### **Annotation**


This methodological recommendation covers the specific aspects of the use of pedagogical technologies in the process of medical education. The positive results of the use of interactive methods in the teaching of clinical sciences, taking into account the pedagogical skills and interest of students in science were analyzed. The proposed interactive method provides recommendations for the orientation of students to scientific research, as well as the strengthening of theoretical and practical knowledge on the basis of informational, innovative, communicative and verification approaches.

The methodical recommendation is intended for application by professors-teachers of medical higher educational institutions in pedagogical practical activity.

Услубий тавсиянома ТТА 3-сон ички касалликлар кафедраси докторанти Л.А.Абдурахимованинг DcS диссертацияси доирасида ишлаб чиқилган.


Услубий тавсиянома оилавий шифокорларни тайёрлашда тиббиёт таълим муассасаларида фаолият юритаётган профессор ўқитувчиларнинг педагогик амалий фаолиятда қўллашлари учун мўлжалланган.

Қўллаш соҳалари – тиббиёт олий таълим муассасалари, тиббиёт техникумлари ва клиник ўқув базалар.



## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
Табииёт олий таълим муассасаларида ўқув жараёнида педагогик технологияларнинг ўрни .....	6
Таълим жараёнида педагогик технологияларни қўллаш самарадорлиги .....	9
Интерфаол усулнинг инфорацион компоненти.....	15
Интерфаол усулнинг инновацион компоненти.....	16
Интерфаол усулнинг коммуникатив компоненти .....	18
Интерфаол усулнинг верификацион компоненти .....	21
ICIV – RANGE педагогик технологиясининг ўзига хос томонлари .....	24
Фойдаланилган адабиётлар.....	26



## КИРИШ

**Долзарблиги.** Таълим ва тарбия жараёнида интерфаол методларнинг ўрни ва имкониятлари йиллар давомида ўз долзарблиги билан ажралиб келмоқда. Интерфаол метод-таълим жараёнида ўқувчилар ҳамда ўқитувчи ўртасидаги фаолликни ошириш орқали ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришини фаоллаштириши, шахсий сифатларини ривожлантириши тиббий таълим жараёнида ҳам ўта муҳимдир. Интерфаол методларни қўллашнинг машғулот самарадорлигини оширишга ёрдам бериши бўлгуси мутахассисларни тайёрлашда ўзига хос замин яратади. Интерфаол таълимнинг асосий мезонлари: норасмий баҳс-мунозаралар ўтказиш, ўқув материални эркин баён этиш, ифодалаш имконияти, маърузалар сони камлиги, семинарлар сони кўплиги, ўқувчилар ташаббус кўрсатишларига имкониятлар яратилиши, кичик гуруҳ, катта гуруҳ, синф жамоаси бўлиб ишлаш учун топшириқлар бериш, ёзма ишлар бажариш ва бошқа методларнинг таълим тарбиявий аҳамияти бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Педагогик технология деб одатда мақсади таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш, таълимда қўзланган натижаларга эришишга бўлган педагогиканинг йўналишига айтилади (М. Кларин, 1989).

“Педагогик технология” сўз бирлиги – бу инглизча “an educational technology” – “таълим технологияси” иборасининг аниқ бўлмаган таржимасидир. “Педагогик технология” тушунчаси охириги пайтларда ўқитиш назариясида янада кенгроқ қўлланилмоқда. Айнан “технология” термини ва унинг “ўқитиш технологияси”, “таълим технологияси”, “таълимда технология” каби шаклларига педагогик адабиётларда 300 дан ортиқ таърифлар берилган. “Педагогик технология” термини биринчи бор педагогика бўйича ишларда XX асрнинг 20-йилларида тилга олинган.

Ҳозирги кунда педагогик технология тушунчасида турлича ифодалашлар мавжуд:

1. Технология – бу бир ишда, маҳоратда, санъатда қўлланиладиган услублар тўпламидир (изохли луғат).

2. Педагогик технология – бу ўқув жараёнини амалга оширишнинг техникасидир (В.П. Беспалько).

3. Педагогик технология – бу ўқитишда режалаштирилган натижаларга эришиш жараёнини тасвирлашдир (И.П. Волков).

4. Педагогик технология – бу ўқитиш, тарбиявий воситалар, шакллари, методлари, усул, услубларининг махсус тўплами ва тузилишини белгиловчи психологик-педагогик кўрсатмалар йиғиндиси, у педагогик жараённинг ташкилий методик қуроли демакдир (Б.Т. Лихачев).

5. Педагогик технология – бу таълим шаклларини оптималлаштириш масалани қўувчи, техник ва инсоний имкониятларни ва уларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олиб ўқитиш ва билимлар ўзлаштириш бутун жараёнини яратиш, қўллаш ва белгилашга системали ёндашидир (ЮНЕСКО).

6. Технология – бу санъат, маҳорат, моҳирлик, ишлаб чиқиш методлари тўплами, ҳолатини ўзгартиришдир (В.М. Шепель).

7. Ўқитиш технологияси - бу ўқувчилар ва ўқитувчилар учун сўзсиз қулай шароитлар яратиб бериш учун ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва 13 олиб бориш бўйича ҳар томонлама ўйлаб чиқилган ҳамкорликдаги педагогик фаолият моделидир (В.М. Монахов).

8. Педагогик технология – бу педагогикада фикрлашнинг системали усулидир (Т. Сакамото).

9. Педагогик технология – ўқув жараёнининг ташкилий шакли, методлари, мазмунини ўзгартирувчи унинг ривожланиш системасидир (Э. Бистереки ва Ж. Целлер).

10. Педагогик технология - педагогик мақсадларга эришиш учун фойдаланиладиган ҳамма шохсий, инструментал ва методологик воситалар системали тўплами ва ишлатилиши тартибини билдиради (М.В. Кларин).

11. Педагогик технология – бу таълим мақсадига эришишга қаратилган ўқитувчи ва ўқувчининг фаолиятини системали, концептуал, коидали, объективлаштирилган, инвариант тасвирлашдир (Ф.А. Фрадкин).

12. Педагогик технология билимларни эгаллашда режалаштириш, бошқариш ва таъминлашни таҳлил қилиш учун фаолиятни ташкил этиш усулини, одамлар, ғоялар, воситаларни ўз ичига олувчи комплекс интеграл жараён демакдир (Педагогик коммуникациялар ва технологиялар бўйича АҚШ ассоциацияси).

### **Тиббиёт олий таълим муассасаларида ўқув жараёнида педагогик технологияларнинг ўрни**

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш борасида узлуксиз таълим тизими орқали юқори малакали шифокорларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб ривожланишида назарий билим, амалий ҳамда илмий фаолиятни ўзаро интеграцияда олиб бориш катта аҳамиятга эгадир.

Ўқув жараёнида таълим олувчиларга бўлғуси юқори малакали мутахассис сифатида қаралиши, тиббий таълимнинг ўзига хос хусусиятларини ўзида мужассам қилган турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий интерфаол усулларни қўлланилиши, таълим олувчиларни мустақил фикрлаш, ўз устида ишлаш, изланиш, турли ҳолатларга креатив ёндошиш, илмий изланувчанлик қобилиятини ривожлантириш, маъсулият билан илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, илмий адабиётлардан олинган маълумотларни таҳлил қилиш, танлаган касбига бўлган интилиши ҳамда қизиқишларини кучайтиради.


Таълим жараёнида интерфаол машғулот турлари ва уларни танлаш, тайёргарлик кўриш жараёни, таълим олувчиларнинг интерфаол машғулотда иштирок этиш учун тайёрликларига қўйиладиган талаблар, машғулотда вақтдан унумли фойдаланиш, воситаларни танлаш, тайёрлаш, машғулот ўтказувчилар ва уларнинг вазифалари каби мезонларга алоҳида аҳамият бериш лозим. Интерфаол методлар билан анъанавий таълим усуллари орасидаги ўзаро фарқлар, қиёсий

афзалликлар ва камчиликлар борасида тиббий таълим жараёнида ўзига хос ёндошувлар мавжуд бўлиб, турли интерқфаол усулларни қўллашда фаннинг хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Янги билимларни бериш, кўникмаларни шакллантириш, ривожлантириш, мустаҳкамлаш, билимларни такрорлаш, амалда қўллаш машғулотида ҳамда ўқув фанининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир мавзу бўйича машғулоти учун энг мақсадга мувофиқ бўлган интерқфаол ёки бошқа методларни тўғри танлаш машғулоти сўнгида иоюий натижа олишга замин яратади. Тўғри танланган методларни қўллаш машғулоти кизиқарли ва самарали бўлишини таъминлайди.

### Таълим жараёнида педагогик технологияларни қўллаш самарадорлиги

Тиббиёт ҳамда педагогика соҳасида фаолият юритаётган турли тадқиқотчилар томонидан амалга оширилаётган кўп сонли педагогик тажрибалар таълим муассасаларида инновацион ёндошув асосида педагогик технологиялар ва интерқфаол услублардан кенг фойдаланиш мазкур вазифаларни амалга оширишда ўта муҳимлиги тасдиқламоқда. Демак, таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор ўқитувчилар тиббиёт соҳаси бўйича олиб бораётган барча турдаги машғулотида инновацион технологияларни мақсадли ва ўз ўрнида қўллашни билишлари ҳамда таълим олувчилар билан ҳамкорликда амалга оширишлари ўта муҳим.

Тажриба синов ишлари Тошкент тиббиёт академиясида фаолият юритаётган профессор – ўқитувчилар ҳамда даволаш иши, касбий таълим, таълим йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабалар ўртасида 2018 – 2021 йиллар давомида амалга оширилди. Тажриба синовга жами 360 нафар респондентлар жалб этилиб, шулардан 125 нафари таълим муассасаси педагоглари, 232 нафари эса 4, 5 ва 6 курс талабаларини ташкил этди. Шу билан бирга назорат гуруҳида жами 235 нафар талаба иштрок этди (3.1-расм ва 3.2 - расм). Тажриба гуруҳидаги талабалар ўртасида янги ёндошув асосидаги машғулоти ўтказилди. Назорат гуруҳидаги талабалар анъанавий ҳамда бир турдаги педагогик технологиялар асосидаги машғулотидаги иштроки бўйича таҳлил қилинди.



**3.1 – расм. Тажриба иштрокчиларининг курслар кесимидаги ва гендер хусусиятлари бўйича тақсимланиши.**

Таждриба синовга жалб қилинган талабаларнинг 72 нафари (31%) – 4 курс, 74 (32%) нафари 5 курс ва 86 (37%) нафари 6 курсда тахсил олиб, хусусан 34% - кизлар, 66% - йигитлар қатнашдилар.

Тадқиқот бошида таълим жараёнида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг амалий машғулотлари Ўзбекистон Республикаси Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан таклиф қилинган “Дарс тахлили” намунаси бўйича дарснинг ташкилий даражаси, машғулотнинг назарий-услубий кўрсаткичлари ва таъминот даражаси, педагогларнинг машғулот давомида педагогик ва ахборот технологияларини, услубларни қўллаш даражаси ҳамда сифати тахлил қилинди.

Педагогик технологияларни билиш ва қўллаш даражаси, интерфаол усулларнинг турлари, қўллаш изчиллиги ҳамда сифати бўйича алохида баллар градацияси шакллантирилди ва баҳоланди (3.1 - жадвал).

Таждриба гуруҳидаги педагоглар учга яъни 4 курсга (n=42), 5 курсга (n=43) ва 6 курсга (n=40) таълим берувчи ўқитувчилар гуруҳи ўзаро солиштирилди.

**3.1 – жадвал. Дарс тахлили давомида педагогик технологияларни қўллаш даражаларининг миқдорий тавсифлари (n=125)**

Т/р	Педагогик технологияларни қўлланилиши	Таққосланган гуруҳлар номи	Баллар градацияси						Жами
			Паст даража (1-3 баллгача)		Ўрта даража (4-6 баллгача)		Юқори даража (7-10 баллгача)		
			Сони	%	Сони	%	Сони	%	
1	Информацион-коммуникацион технологиялар	Таждриба гуруҳи (4 курс) (n=42)	12	29	19	45	11	26	42
		Таждриба гуруҳи (5 курс) (n=43)	9	21	25	58	9	21	43
		Таждриба гуруҳи (6 курс) (n=40)	7	17.5	19	47.5	14	35	40
2	Танқидий фикрлашга	Таждриба гуруҳи (4 курс) (n=42)	21	50	16	38	5	12	42



		Тажриба гуруҳи (5 курс) (n=43)	17	39.5	17	39.5	9	21	43
		Тажриба гуруҳи (6 курс) (n=40)	11	27.5	19	47.5	10	25	40
3	Лойҳавий технологиялар	Тажриба гуруҳи (4 курс) (n=42)	25	59.5	12	28.5	5	12	42
		Тажриба гуруҳи (5 курс) (n=43)	19	44	11	26	13	30	43
		Тажриба гуруҳи (6 курс) (n=40)	11	27.5	19	47.5	10	25	40
4	Муоммоли қўйишга қаратилган технологиялар	Тажриба гуруҳи (4 курс) (n=42)	29	69	10	23.8	3	7.2	42
		Тажриба гуруҳи (5 курс) (n=43)	22	51	15	35	6	14	43
		Тажриба гуруҳи (6 курс) (n=40)	8	20	17	42.5	15	37.5	40
5	Ўйинли технологиялар	Тажриба гуруҳи (4 курс) (n=42)	7	17	18	43	17	40	42
		Тажриба гуруҳи (5 курс) (n=43)	5	11.6	23	53.4	15	35	43
		Тажриба гуруҳи (6 курс) (n=40)	16	40	18	45	6	15	40
6	Кейс технол огияла р	Тажриба гуруҳи (4 курс) (n=42)	13	31	12	28.5	17	40.5	42

		Тажриба гуруҳи (5 курс) (n=43)	15	35	13	30	15	35	43
		Тажриба гуруҳи (6 курс) (n=40)	12	30	13	32.5	15	37.5	40
7	Ижодий ёндошув технологиялари	Тажриба гуруҳи (4 курс) (n=42)	29	69	9	21.5	4	9.5	42
		Тажриба гуруҳи (5 курс) (n=43)	26	60.5	11	25.5	6	14	43
		Тажриба гуруҳи (6 курс) (n=40)	22	55	11	27.5	7	17.5	40
8	Ахборот технологиялари билан бирга қўллаш	Тажриба гуруҳи (4 курс) (n=42)	9	21.5	23	54.7	10	23.8	42
		Тажриба гуруҳи (5 курс) (n=43)	9	21	19	44.2	15	34.8	43
		Тажриба гуруҳи (6 курс) (n=40)	5	12.5	27	67.5	8	20	40
9	Машгулот давомида ўринли қўллаш	Тажриба гуруҳи (4 курс) (n=42)	15	35.7	15	35.7	12	28.6	42
		Тажриба гуруҳи (5 курс) (n=43)	13	30	15	35	15	35	43
		Тажриба гуруҳи (6 курс) (n=40)	13	32.5	11	27.5	16	40	40
10	Талабаларнинг фаол иштироки	Тажриба гуруҳи (4 курс) (n=42)	5	12	14	33.3	23	54.7	42

		Тажриба гуруҳи (5 курс) (n=43)	9	21	21	49	13	30	43
		Тажриба гуруҳи (6 курс) (n=40)	9	22.5	23	57.5	8	20	40
11	Илмий изланувчанликка йўналтириш	Тажриба гуруҳи (4 курс) (n=42)	33	78.5	6	14.3	3	7.2	42
		Тажриба гуруҳи (5 курс) (n=43)	35	81.4	5	11.6	3	7	43
		Тажриба гуруҳи (6 курс) (n=40)	29	72.5	5	12.5	6	15	40
12	Шахслар аро мулоқат кўникмаларидан фойдаланиш	Тажриба гуруҳи (4 курс) (n=42)	35	83.3	5	12	2	4.7	42
		Тажриба гуруҳи (5 курс) (n=43)	33	76.8	5	11.6	5	11.6	43
		Тажриба гуруҳи (6 курс) (n=40)	23	57.5	8	20	9	22.5	40

Солиштирма таҳлил нагизларига кўра таълим жараёнида инфор­мацион ва коммуникацион технологияларни қўллаш даражаси бўйича 4 ва 5 курс талабаларига таълим берувчи педагоглар нисбатан юқори балларга эга бўлиб, лойиҳавий, муоммоли ва ижодий ёндошувли технологияларни қўллаш бўйича паст даражада эканлиги аниқланди. 6 курс талабаларига таълим берувчи педагоглар томонидан асосан муоммоли ва кейс технологияларидан фаол фойдаланиши ҳамда қисман илмий тадқиқот ишлари бўйича маълумотлар бериш бўйича ўртача баллар қўйилган.

Тадқиқот давомида профессор – ўқитувчилар томонидан қўлланилган технологиялар турлари, қўллаш бўйича аниқ билим ва кўникмаларга эга бўлиш даражасининг суствлиги, талабаларни фаол иштирокини таъминлаш бўйича ҳамда илмий изланувчанликка йўналтириш борасида бир катор муоммолар мавжудлиги аниқланди.

Тадқиқот давомида биз томондан таклиф қилинаётган интерфаол услублар ўқитиш жараёнини самарали ва натижали бўлишини таъминлашга, илмий

изланувчанликни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, тиббиёт соҳасида мутахассис сифатида фаолият юритишга замин яратувчи тамойилларни ўзига мужассамлаштирган (3.2- расм).

**Мазкур услуб қуйидаги тўрт компонентдан иборатдир:**


1. Информацион – таълим ва тарбиянинг мустақил таълим олиш билан узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, маълумотларни таҳлил қилиш, аниқ ифодалаш, тўғри шакллантириш ҳамда ўз вақтида тақдим этишга ўргатиш;

2. Коммуникатив – таълим оловчиларни гуруҳ ва жамоада ишлашга ўргатиш, ўзаро ҳурмат кўникмаларини ривожлантириш, шахслар аро муносабат кўникмаларини тўғри қўллашга йўналтириш;

3. Инновацион – тиббиёт ва педагогика соҳасидаги замонавий, илғор ёндошувлар, гоёлар, тадқиқот ишлари асосида таълим оловчиларни илмий ва педагогик изланувчанлик қобилиятларини ривожлантириш;

4. Верификацион – олинган маълумотлар, ўтказилган муҳокамалар ва жамланган хулосалар асосида назарий билим, амалий ва илмий фаолиятни баҳолаш жараёнини амалга ошириш.

**3.2- расм. Тиббий таълим жараёнида назарий, амалий фаолият ва илмий изланувчанлик интеграциясини ривожлантиришга қаратилган таълим технологияси модели**



Мазкур услубни ишлаб чиқиш ва жорий этиш жараёнида тиббий таълим соҳасида қўлланишили лозим бўлган педагогик тамойиллар, усуллар ва технологиялардан фойдаланилди, шу билан бирга назарий билим, мустақил таълим, амалиёт ҳамда илмий тадқиқот ишларини амалга оширишга қаратилган ҳамда уларни ўзаро интеграциясини таъминлашга имкон берувчи усуллар танлаб олинди.

Тажриба синов жараёнида танлаб олинган гуруҳларда сўровнома ва ўтказилган амалий машғулотлар давомида ишлаб чиқилган педагогик технологиянинг биринчи компоненти бўйича ўқув жараёнига ижобий таъсир қилувчи омиллар аниқланиб таҳлил қилинди ҳамда тиббий таълим жараёнига ижобий таъсир қилувчи томонлари ажратиб олинди (3.2 – жадвал). Мазкур босқичда талабаларга ўқитилаётган фан бўйича маълумотларни олиш ҳамда таҳлил қилиш бўйича кузатиладиган қийинчиликлар, муоммоларни бартараф этиш бўйича маслаҳатлар берилди ва уларнинг самараси кузатилди.


### 3.2 – жадвал. Даволаш иши таълим йўналиши бўйича таҳсил олувчилар ўртасида инфор­мацион компонент кўрсаткичларининг самарадорлиги

Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи n=232		Назорат гуруҳи n=235		$\chi^2$	P
	абс	%	абс	%		
Фанга доир услубий таъминот билан таништириш	55	23,7	129	54,9	91,4	<0,001
Ўқув жараёнига тегишли маълумотлар манбааси билан таништириш	69	29,8	115	48,9	91,4	<0,001
Маълумотлар манбааси билан ишлаш усуллари бўйича маълумот бериш	127	54,7	45	19,2	85,4	<0,001
Клиник таҳлил босқичлари билан таништириш	118	50,8	57	24,2	86,9	<0,001
Синдромал ёндошув асосида аниқ кўрсатмалар бериш	125	53,9	49	20,8	86,4	<0,001
Қиёсий ташхислаш ўтказишнинг ўзига хос томонларини ёритиш	157	67,6	63	26,8	109,3	<0,001
Танланиши лозим бўлган тактикани баҳолаш	107	46,1	57	24,2	81,5	<0,001
Гуруҳда тарбиявий фикрлар алмашинувини амалга ошириш	54	23,2	138	58,7	95,4	<0,001
Касбий фаолиятда зарур бўладиган инсоний фази­латлар бўйича намуналар келтириш	65	28,0	92	39,2	78,0	<0,001
Мустақил таълим олиш учун мотивация уйғотиш	132	56,9	43	18,3	86,9	<0,001

Ўз ўзини тарбиялаш ва ишлаш бўйича кўрсатмалар бериш	91	39,2	85	36,1	87,4	>0,05
Ўқув жараёнида фикр билидиришдан кўрмаслик ҳиссини ривожлантириш	113	48,7	66	28,0	88,9	<0,001
Таълим олувчилар ўртасида меъерий рақобат муҳитини яратиш	128	55,1	75	31,9	100,8	<0,001
Ўқув жараёнида турли кўринишдаги рағбатлантириш усулларида фойдаланиш	137	59,0	93	39,6	114,3	<0,001

Юқоридаги таҳлиллар бўйича ўқув жараёнида талабаларнинг фанга доир маълумотлар билан тўғри ишлаши ҳамда мавзуларни ўзлаштиришида уларни тўғри қўллай олишида қуйидаги кўрсаткичларнинг аҳамияти нисбатан муҳим бўлиб, машғулотлар давомида талабаларнинг назарий билимларини объектив баҳолашга имкон берди (3.3 – расм). Мазкур компонентни шакллантиришда тиббиёт соҳасида долзарб бўлган муоммоларни ҳал қилиш, клиник фикрлаш кўникмасини ривожлантиришга замин яратувчи аниқ мақсад шакллантирилди ва мантиқий изчилликка аҳамият берилди.

3.3- расм. Информацион компонентнинг тузилмавий – мантиқий схемаси



Тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасида педагогик технологиянинг иккинчи компонентига яъни инновацион ёндошувни таҳлил қилишда бир қатор кўрсаткичлар ажратиб олинди ва таҳлил қилинди. Ўқув жараёнида, хусусан фанга доир мавзуларни мустаҳкамлашга имкон берувчи ҳамда илмий изланувчанликка йўналтирувчи шу билан бирга педагогик ҳамкорликка таъсир қилувчи омиллар ажратиб олинди (3.3 – жадвал). Ушбу босқичда машғулотлар давомида турли хил замонавий педагогик технологиялар самарадорлиги кузатилди ҳамда талабалар фаоллигини оширишга қаратилган услублардан кенг фойдаланилди.


**3.3 – жадвал. Даволаш иши таълим йўналиши бўйича таҳсил олувчилар ўртасида инновацион компонент кўрсаткичларининг самарадорлиги**

Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи n=232		Назорат гуруҳи n=235		$\chi^2$	P
	абс	%	абс	%		
Долзарб муоммоларни ажратиш	175	75,4	168	71,4	170,4	>0,05
Мавзу бўйича маълумотларни талабалар қизиқишлари бўйича тақсимлаш	182	78,4	73	31,0	126,7	<0,001
Маълумотлар манбааси билан ишлашда илмий мақолалар турлари бўйича маълумот бериш	114	49,1	66	28,1	89,4	<0,001
Халқаро кидирув тизимлари билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш	135	58,1	54	22,9	93,9	<0,001
Илмий нашрлар билан ишлаш бўйича кўрсатмалар бериш	169	72,8	92	39,1	129,7	<0,001
Мультимедиа технологияни қўллаш	151	65	137	58,2	143,1	>0,05
Модуль технологиясидан фойдаланиш	87	37,5	41	17,4	63,6	<0,001
Диагностик технология билан ишлаш	184	79,3	25	10,6	103,8	<0,001
Муаммоли ўқитиш технологиясидан	119	51,2	102	43,4	109,8	>0,05

фойдаланиш						
Мустақил таълим технологиясини қўллаш	167	71,9	143	60,8	154,0	<0,05
Педагогик ҳамкорлик технологиясини қўллаш	155	66,8	62	26,3	107,8	<0,001
Клиник аудит ўтказиш	109	46,9	12	5,1	60,1	<0,001
Аналитик таҳлил жараёнини ўргатиш	163	70,2	17	7,2	89,4	<0,001
Билимни баҳолаш технологиясидан фойдаланиш	111	47,8	59	25,1	84,5	<0,001

Олинган таҳлиллар бўйича машғулотлар давомида талабаларнинг тиббиёт соҳасидаги долзарб муоммолар, амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари, соҳадаги инновациялар бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантиришда илмий изланувчанликка қаратилган кўрсаткичларнинг муҳимлиги аниқланди (3.4 – расм). Мазкур компонентни шакллантиришда илмий ва инновацион ёндошувларнинг талабалар билимини мустаҳкамлаш, танлаган касблари бўйича қизиқишларини орттириш, илмий маълумотлар билан тўғри ишлаш, касбий фаолияти давомида илмий тадқиқот ишларини олиб боришга замин ячратувчи кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган мақсад ва вазифалар изчиллиги шакллантирилди.

3.4- расм. Инновацион компонентнинг тузилмавий – мантиқий схемаси





Тадқиқотнинг кейинги босқичида педагогик технологиянинг учинчи компонентига яъни коммуникатив хусусиятларни таҳлил қилишда талабаларнинг индивидуал шахс сифатида ҳамда гуруҳдаги ўрнини аниқлаш борасида ўзига хос муаммолар, ўқув жараёнида назарий, амалий ва илмий фаолиятга таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларнинг таъсири ўрганилди. Машғулотнинг назарий қисмида талабаларнинг ўзаро муносабатлари ва амалий қисмида эса беморлар билан мулоқат жараёнига бевосита мезонлар инobatта олинди (3.4 – жадвал).

#### 3.4 – жадвал. Даволаш иши таълим йўналиши бўйича тахсил олувчилар ўртасида коммуникатив компонент кўрсаткичларининг самарадорлиги

Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи n=232		Назорат гуруҳи n=235		$\chi^2$	P
	абс	%	абс	%		
Шахслар аро. мулоқот тушунчаларнинг мавжудлиги	167	71.9	58	24.6	111,8	<0,001
Шахслар аро мулоқатга таъсир қилувчи ички омилларни билиш	102	43.9	46	19.5	73,5	<0,001
Шахслар аро мулоқатга таъсир қилувчи ташқи омилларни билиш	117	50.4	53	22.5	84,5	<0,001
Ҳамдардлик ҳиссининг намоён бўлиши	98	42.2	75	31.9	85,9	<0,05
Сабр тоқатлилик кўрсата олиш	93	40	62	26.3	77,0	<0,01
Кўллаб қувватлаш	115	49.5	88	37.4	100,8	<0,01
Мулоқат жараёнида раҳбарлик қилиш	70	30	92	39.1	80,5	<0,05
Сухбат давомида қизиқиш уйғота олиш	149	64.2	81	34.4	114,3	<0,001
Турли инсонлар билан мулоқатга кириша олиш	73	31.4	52	22.1	62,1	<0,05
Фаол тинглаш қобилиятининг мавжудлиги	101	43.5	65	27.6	82,5	<0,001
Аргумент келтира олиш	156	67.2	83	35.3	118,7	<0,001
Тақдимот қила олиш	142	61.2	117	49.7	128,7	<0,05
Оммавий чиқиш қобилияти	94	40.5	47	20	70,0	<0,001
Кўндирма олиш	119	51.2	51	21.7	84,5	<0,001

қобилиятининг мавжудлиги						
Кичик гуруҳларда ишлаш	167	71.9	93	39.5	129,2	<0,001
Гуруҳчаларни бошқариш	137	59	78	33.1	106,8	<0,001
Ижобий муҳит яратиш	167	71.9	89	37.8	127,2	<0,001
Тўғри йўлланма ва тавсиялар бериш	171	73.7	112	47.6	140,6	<0,001

Мазкур таҳлиллар асосида таълим жараёнида назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиш ҳамда илмий изланувчанликка эришишда коммуникатив хусусиятларнинг ўрни муҳимлиги аниқланди. Ушбу босқичда шахслар аро мулоқот ва гуруҳда ишлаш кўникмаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ва таълим олувчиларнинг юқори малакали мутахассис бўлиб етишишлари, ўз фаолиятларида эгаллаган кўникмаларини қўллай олишларида коммуникатив ёндошувга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим (3.5 – расм). Коммуникатив компонентни шакллантиришда шахслар аро мулоқот кўникмаси билан бир қаторда жамоада ишлаш ва касб доирасида бир қатор индивидуал қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган мақсад ва қобилиятлар тизими шакллантирилди.

3.5- расм. Коммуникатив компонентнинг тузилмавий – мантиқий схемаси



Тадқиқотнинг кейинги босқичида педагогик технологиянинг тўртинчи компоненти – верификацион тамойилни ўзига ҳос томонларини аниқлашда талабаларнинг баҳолаш тизимига бўлган муносабати, ўз ўзини баҳолаш, ҳамкасбга объектив тавсиф бериш, ўқув жараёнининг турли босқичларининг устунликлари бўйича олинган маълумотлар таҳлил қилинди. Машғулот давомида назарий, амалий, илмий ҳамда педагогик жиҳатдан олинган маълумотлар бўйича ўз билим ҳамда кўникмаларини амалда қўллай олишларига ҳам алоҳида аҳамият берилди. Педагог томонидан, талаба томонидан алоҳида баҳолаш жараёни бўйича хулосалар қилинди ва мазкур босқични шакллантиришда инobatга олинди. (3.5 – жадвал).

### 3.5 – жадвал. Даволаш иши таълим йўналиши бўйича таҳсил олувчилар ўртасида верификацион компонент кўрсаткичларининг самарадорлиги

Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи n=232		Назорат гуруҳи n=235		$\chi^2$	P
	абс	%	абс	%		
Мавзу доирасида маълумотларни тўғри танлай олиш	157	67.6	103	43.8	102,84	<0,001
Олинган маълумотларни таҳлил қилиш асосида хулоса қилиш	183	78.8	112	47.6	85,448	<0,001
Назарий билимни кўрсата олиш	164	70.6	141	60	80,48	<0,05
Ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш	188	81	154	65.5	62,099	<0,001
Олинган маълумотларни талаб даражасида талаб компьютерда шакллантириш	143	61.6	97	41.2	112,77	<0,001
Тақдимотлар тайёрлаш	194	83.6	135	57.4	68,557	<0,001
Аудио ва видеоматериаллар тайёрлаш	127	54.7	68	28.9	135,13	<0,001
Хорижий тилдаги маълумотлар билан ишлаш	93	40	35	14.8	168,41	<0,001
Илмий изланувчанликка интилиш	131	56.4	42	17.8	146,06	<0,001


Педагогик технологияларни қўллашда иштрок этиш	107	46.1	21	8.9	168,41	<0,001
Педагогик ва ахборот тех-нологияларидан фойдала-нишда фаол бўлиш	141	60.7	115	4.9	104,82	<0,01
Лидерлик қобилиятига эга бўлиш	87	37.5	63	26.8	157,48	<0,05
Олган маълумотлари бўй-ича амалий тавсиялар бериш	109	46.9	48	20.4	154	<0,001

Юқоридаги таҳлиллар асосида ўқув жараёнида назарий билимларни эгаллаш, илмий ва инновацион ёндошувларни ривожлантириш билан бир қаторда ўқув жараёнининг барча босқичларида верификацион ёндошув асосида баҳолаш жараёнини амалга ошириш ўзига хос томонларига эга эканлиги аниқланди. Тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасида солиштирма таҳлил бўйича назорат гуруҳларида асосан назарий билимни баҳолаш устунлиги ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги эътироф этилди. Тажриба гуруҳида эса илмий изланувчанлик ҳамда педагогик технологиялардан ҳамкорликда фойдаланиш, олинган кўникмаларни амалда қўллашга қаратилган кўрсаткичлар бўйича ижобий қарашлар аниқланди.


Верификацион компонентни шакллантиришда дарс жараёнининг барча босқичларини инобатга олган ҳолда интегратив баҳолаш жараёни бўйича мақсад ва йўналишларни баҳолаш тизими шакллантирилди (3.6 – расм).

Олинган натижалар бўйича йўналишларни баҳолашда дарс жараёнида баллар градиацияси белгиланди ва талабаларнинг аввал ўзларига ҳамда ҳамкорликда ишлаган таълим олувчиларга объектив баҳо қўйишлари учун имкон яратилди. Баҳолаш жараёнида амалга оширилган ишлар ҳажми, сифати, натижалари ва амалиётда қўлланилиши бўйича муҳокама ва хулосалар қилинди.


3.6- расм. Верификацион компонентнинг тузилмавий – мантикий схемаси




Тажриба синов давомида босқичма босқич ўтказилган тадқиқот натижалари асосида тиббий таълим тизимида долзарб бўлган назарий билимга эга бўлиш, амалий ва илмий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган «ICIV – RANGE» инновацион педагогик технологияси ишлаб чиқилди ҳамда даволаш иши таълим йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларнинг амалий машғулотларига татбиқ этилди (3.7- расм).




Юқоридаги педагогик технологиянинг тиббий таълим жараёнидаги самарадорлигини аниқлаш юзасидан тажриба ва назорат гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари Стьюдент ва Пирсоннинг  $X^2$  математика – статистика методи ёрдамида таҳлил қилиниб, натижалари кўриб чиқилди.



Педагогик технологияни қўллаш натижаларига кўра тажрибадан сўнг курслар кесимида назарий билимнинг ўртача 10% гача мустаҳкамланиши кузатилди.



Илмий ва педагогик изланувчанлик бўйича эса 4, 5 ва 6 курс талабалари ўртасида 15%, 16% ва 15% га ижобий ўзгаришлар кузатилди.



Ахборот технологиялардан фойдаланиш даражаси бўйича 6 – 12% гача фаоллашиши аниқланди.



Машғулот давомида талабаларнинг фаоллиги ҳамда гуруҳда ишлаш қобилиятлари баҳоланганда барча курслар кесимида ўртача 10 фоизгача ижобий натижалар қайд этилди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар доирасида белгиланган барча вазифаларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизими амалга ошади.

2. Назорат турларининг (ОН,ЯН) назарий қисмини (ёзма ишлар) фан профессор-ўқитувчилари томонидан баҳолангандан сўнг, танлов асосида турдош кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари томонидан баҳоланишини ҳамда назорат турларининг амалий қисмини эса симуляцион ўқув марказларида топширилишини ташкил этиш баҳолашнинг объективлигини оширади ва дарс олиб борган профессор-ўқитувчининг компетентлигини баҳолашга имкон беради.

3. Республика тиббиёт олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларига симуляцион таълимни жорий қилиш ва унинг узвийлигини таъминлаш ҳар бир таълим олувчилар (талабалар, магистратура ва ординатура талабалари) учун малакали фаолиятни бажара олиш ёки унинг элементини малака талабларига ва тиббий ёрдам кўрсатиш қондаларига мувофиқ бажариш, уларнинг клиник компетентлик даражасини ва тиббиёт ОТМларида таълим сифатини ошишига олиб келади.

4. Республика тиббиёт олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларига симуляцион таълимни жорий қилиш юзасидан берилаётган таклифларни тегишлилиги бўйича ваколатли орган ва ташкилотлар томонидан амалга ошириш тавсия этилади.



## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ишмухамедов Р. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти. - Т.: РБИММ, 2008. – 68 б.
2. Ишмухамедов Р.Ж, Абдуқодиров А., Пардаев А. Директорнинг иш китоби (амалий тавсиялар). – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2007. – 122 б.
3. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2008.-180 б.
4. Ишмухамедов Р.Ж, Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари ўқитувчилари, тарбиячилари, гуруҳ раҳбарлари учун амалий тавсиялар).– Т.: Истеъдод, 2010.-140 б.
5. Коджаспирова Г.М. Педагогика в схемах, таблицах и опорных конспектах./ М.: Айрис-пресс, 2006.
6. Кодиров Х.Ш. Касб таълими уқитувчиларининг билим ва куникмаларини шакллантиришда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш методикасини такомиллаштириш. Дис. ...п.ф.д. (РШ) - Т.:2017.-150б.
7. Кодиров Х.Ш., Зарипов Л.Р. Электрон таълим тренажери касбий тайёргарлик даражасини ошириш воситаси сифатида. Педагогика журнали. 2016 йил. № 2. 84-86 б.
8. 122. Толипов УД. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий куникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: Пед. фан. докт.... дисс. - Т.: 2004. - 314 б. 123. Толипов УД., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. - Т.: Фан, 2005. - 206 б.
9. Шарипов Ш. Талабалар ихтирочилик ижодкорлигини шакллантиришининг педагогик шароитлари. (Мехнат ва касб таълими факультетлари мисолида): Пед. фан. ном.. дис. - Тошкент, 2000. -205 б.
10. Шарипов Ш. Уқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Дисс. ... пед. фан. док. - Т., 2012. – 307 б.